

#### 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортимент ива нови лозим даражада булмаган товарлар қийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган миқдорда пена тулайди.

5.5 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пена тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланadi.

#### 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил « 26 » сентябр дан 2022 йил « 31 » декабрь гача амал қилади.

6.2 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилadi.

6.2. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;

- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

- Форс-Мажор ҳолатларида

#### 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Хўжалик судида ҳал қилинади.

#### 8. ФОРС – МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар булмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмас томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги” ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари буйича жавобгар булади.